

АЛЛОҲНИНГ КАЛОМИ АҲЛИ СУННА ВАЛ ЖАМОА УЛАМОЛАРИ НАЗДИДА

Абдурашул Абдуллаев

*Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институти “Таҳфизул
Қуръон” кафедраси доценти
фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)*

Аннотация. Мақолада калом илми, мўътазилий оқимининг Қуръони каримга бўлган муносабатлари, Нажжория, Мутакашшифия, Жаҳмия оқимлари, уларнинг сохта даъволарига аҳли сунна вал жамоа олимларининг раддиялари ўрин олган. Шунингдек, Қуръонни муҳдас (пайдо қилинган) ва махлуқ деб, даъво қилувчи тоифаларга қарши далил-ҳужжатлар келтирилган.

Калит сўзлар: ваҳдоният, калом, қадим, қоим, ҳодис, муҳдас.

Annotation. The article covers theology, the relationship of the Mu'tazilites to the Quran, the Najjar, Mutakashifiya, and Jahmiya sects, and the denials of Ahl as-Sunnah wa'l-Jama'ah scholars on false claims. There is also evidence against the categories of the claim that Quran is muhdas (created).

Keywords: oneness, word, ancient, qaim, event, muhdas.

Аннотация. Статя посвящена богословию, отношению секты мутазиликов к Корану, сектам Наджар, Мутакашифия и Джахмия, а также опровержениям ученых Ахл ас-Сунна валь-Джамаа на их ложных утверждений. Есть также доказательства против категорий, утверждающих, что Коран является мухдасом (созданным) и сотворенным.

Ключевые слова: единство, слово, древний, каим, событие, мухдас.

Тарихга назар солсак, Имом Мотуридий яшаган давр ақидавий хуружлар авжига чиққан, мўътазилийларнинг таъсири остида аҳли сунна эътиқодига нисбатан шубҳалар тарқаган замон бўлган. Мўътазилийлар Қуръон ва суннатда келтирилган далилларни ўзларининг ақлий қоидаларига солиб, оят-ҳадис маъноларини бутунлай тескари тарафга буриб юборишарди. Вазият уларга ақлий далиллар билан ҳам раддия беришни тақозо этарди. У киши яшаган замонда мўътазилийлар давлат бошқарувини қўлга олган, уларнинг таъсири жамиятда анча юқори эди.

Аббосийларнинг еттинчи халифаси Маъмун замонидан (198 х.) бошлаб, ўнинчи халифа Мутаваккилнинг давригача (232 х.) халифалик уларнинг фикрлари таъсири остида қолган эди. Мўътазилийлар ўзларини фикр ва эътиқодларига қарши чиққан хар қандай олимни жазолаганлар. Уларнинг эркин фикрлашига йўл қўймаган. Бундай тазйиқ ва қатағонлар қарийб ўттиз йил давом этган. Халифа Мутаваккил ҳақиқатни англаб, аҳли сунна уламоларига уларга қарши раддия беришларига шароит яратиб берди. Ана шундай бир пайтда Басрада Имом Абу Ҳасан Ашъарий, Самарқанда Имом Абу Мансур Мотуридий мўътазилийларнинг шубҳаларига қарши кескин раддия беришга киришдилар. Шу боис ўша даврларда ақийда уламолари ўз асарларини кўпроқ

мўтазилалар ақидасигага қарши раддия шаклида ёзганлар ва шу орқали соф эътиқодни баён қилганлар.

Ақида масалалари ҳар қандай даврда ҳам, ҳар қандай жамиятда ҳам алоҳида аҳамият касб этган. Шу боис бу ҳаётий муҳим масала ҳар доим, ҳам илм аҳлининг диққат-эътиборида бўлган.

Инсонлар Аллоҳ таолонинг каломи қадим ёки муҳдас (пайдо қилинган) эканида ихтилоф қилдилар. Аҳли сунна вал жамоа олимлари: “Аллоҳнинг каломи Аллоҳ таолонинг азалий сифати, у ҳарфлар ва товушлардан таркиб топмаган”,¹ дейдилар. Аллоҳ таолонинг тирик, қодир, эшитувчи, кўрувчи, мутакаллим, олим эканлиги азалдан бўлган ва бу сифатлар билан доимий сифатланиб келган.

Мўтазилийлар эса, Аллоҳнинг каломи махлуқ деган ғояни илгари сурдилар. Улар, асосан, Аллоҳ таолонинг зотий ва феълий сифатлари ҳақида, Аллоҳ таолонинг исм ва сифатларида махлуқларга ўхшашлик, Аллоҳнинг Аршга истиво қилиши, Аллоҳни кўриш мумкин эмаслиги ва Аллоҳ таолонинг каломи ҳақида баҳслар юритар эди. Бугун мўтазилийлар йўқ бўлса-да, лекин уларнинг айрим фикрларини ўзларига ғоя қилиб олган баъзи тоифалар ҳар замонда бош кўтариб туради.

Қуръони карим Аллоҳ таолонинг каломидир. Калом эса сифатдир. Аллоҳ таолонинг каломи бошқа сифатларидек азалийдир, ҳодис ва махлуқ эмас. Аллоҳ таоло барча сифатлари билан қадимдир.

Мўтазилий мазҳабидагилар “Аллоҳнинг каломи одамларнинг каломи каби махлуқдир”, деб даъво қиладилар. Уларнинг: “Қуръон Ўз Зотидан қоим бўлган бир маънодир. У Аллоҳ таолодан эшитилмаган. Шунинг учун у нафсоний каломдир. Кимда нафсоний калом қоим бўлса, уни гапирмаган бўлса, унга бу ҳақийқий калом, дейилмайди. Агар шундай бўлганда, соқов ҳам гапирувчи бўлар эди”, деган даъволарига аҳли сунна вал жамоа уламолари бундай жавоб беради: “Аллоҳ таоло ўз сифатлари билан башариятга ўхшамайди. Яъни Аллоҳ таоло (мутакаллим) гапирувчи деб васф қилинса ҳам, башарий маънолар (сифатлардан) бирор маъно (сифат) ила васф қилинмайди. Бошқача, айтганда, “инсон гапирувчи” деган маънони англатувчи бирорта сифатни Аллоҳга нисбат бериб бўлмайди. Чунки Аллоҳнинг ўхшаши йўқдир. У эшитувчи, кўриб-билиб турувчи Зотдир”. Имом Таҳовий раҳматуллоҳи алайҳининг “У Зот субҳонаҳу ва таолонинг хоҳлаган вақтда, хоҳлаган кайфиятда гапирувчилиги бардавомдир. У Зотнинг каломининг тури қадимийдир”, деган гаплари шунга далил бўлади.

Каломни махлуқ деган тоифалар “Қуръон билан меърож кечаси гапирди, ундан олдин гапирмаган”, дейдилар. Яъни Қуръон меърож кечасидан кейин яратилди, демоқчилар.

¹ Насафий Абу Муин. “Табсиротул адилла фи усулид дин” (Дин асослари далилларининг баёни) II жилд /Аб. М. Насафий; таржимон: У Уватов; Ўзбекистон мусулмонлари идораси; – Тошкент: “Movarounnahr”, 2018. – Б.127

Мўътазилий тоифаси ҳукмронлик қилган даврда омма халқ уларнинг ботил ақидаси таъсирига тушиб қолган. Чунки уларга қарши ҳеч бир олим очик раддиялар бера олмаган. Натижада улар ўз ақидаларини мусулмонлар ўртасида турли-туман йўллар билан сингдиришган. Оят ва ҳадисда келтирилган ҳужжатларни ўзларининг ақлий қонун ва қоидаларига солиб, уларга бутунлай тесқари бўлган маънолар бериб бошқа тарафга буриб юборганлар. Вазият уларга қарши ақлий далиллар билан жавоб беришни ҳам тақозо этди.

Аҳли сунна вал жамоанинг Аллоҳнинг каломи махлуқ (яралмиш) эмаслигига ақлий ва нақлий ҳужжати: “Агар Қуръон махлуқ бўлганида эди, унинг халқи – яратган нарсаси Ўз Зотидан ўзга бўлган бўлар эди”. Лекин У Зот мутақаллим (Мутақаллим деб гапириш сифатига эга бўлган Зотга айтилади). У халқига қараган бет, яъни томонлардан муназаҳдир, ҳолидир. Чунки агар бети бўлса эди, унинг зоти махлуқларга ўхшаб қоларди. Аллоҳ таоло Шўро сураси 11-ояти каримасида: “У Зотга ўхшаш ҳеч нарса йўқдир. У ўта эшитувчи ва ўта кўрувчи Зотдир”², деб марҳамат қилади.

Мотуридия эътиқодига таянган “Жомиъ ул-мутун” китобида Аллоҳ таолонинг зотий сифатлари зикр қилиниб, “Вужуд қадим, ваҳдоният, ўз ҳолига қоим бўлиш сифатлари қаторида махлуқларга тесқари бўлиш” сифати ҳам таъкидланган. Аллоҳ таоло Ўзини мукаммал билмоғимизни бизларга ҳавола этган, яъни бандаларига топширган. Ҳар бир банда бу сифатларни тўлиқ-тўқис била олмайди. Бу сифатларни мукаммал тарзда билмоқ фақатгина пайғамбарларга ва уларга эргашган комил инсонларга хосдир.

Имом Абу Ҳанифанинг “Фикҳул акбар” китобида келган: “Қуръон мушқафларда ёзилгандир, қалбларда ёд олингандир, тилларда ўқилгандир, Набий алайҳиссаломга нозил қилингандир, Бизнинг Қуръони каримнинг талаффуз қилишимиз махлуқдир, Қуръоннинг ўзи эса махлуқ эмасдир”³, деган гаплари шунга далолат қилади. Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб “Қуръонни талаффуз қилганимиздаги лафзимиз яратилгандир, уни ёзганимиздаги ёзувимиз яратилгандир ва уни тиловат қилганимиздаги кироатимиз ҳам яратилгандир. Аммо Қуръоннинг ўзи яратилмагандир”, дейишимиз мумкин.

Ҳамма нарсага шубҳа билан қараш, ақлни нақлдан устун қўйиш, ақл тарозисига тўғри келган нарсани олиб, ақли шубҳаларни енгиб қониқиш ҳосил қилсагина уни қабул қилиш керак, деган ўй-фикр ўта хатарлидир. Негаки, инсон ақли чегараланган ҳамма нарсани қамраб олаолмайди. Шайтон мўминни тўғри йўлдан оғдириш учун унинг қалбига шубҳа ва гумонлар солади.

Мўътазилийларнинг фикрича: “Албатта Аллоҳнинг каломи араз ва муҳдасдир. Аллоҳ унинг бир маконда яратган, сўнг Мутақаллимга айланган.

² Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Тафсири Ҳилол 5-жуз. – Тошкент: “Шарк”, 2012. – Б.332.

³ www.madrassa.uz Фикҳул акбар китоби – Б.4.

Аллоҳ таолонинг каломи ҳарфлар ва товушлар жинсидан иборат” деган ғояни илгари сурадилар.

Жуббой ва қадариялардан иборат унинг тарафдорларининг фикрича: “Аллоҳ таолонинг каломи махсус кўринишда тузилган ҳарфлар ва бўлак-бўлак товушлардир”. Абу Ҳошим ибн Жуббой: “Аллоҳ таолонинг каломи фақатгина товуш жинсидан бўлади”, дейди. У (Абу Ҳошим) билан отаси (Жуббой) ўртасидаги хилоф шундаки, отасининг тасаввурича: “Қачон Аллоҳ таолонинг каломи (хатда) ёзилса, у ҳарфлар ва калом, қачон ўқилса (қироат қилинса), ҳарфлар, товуш ва калом бўлади”. Абу Ҳошимнинг даъвосича: “Аллоҳ таолонинг каломи ёзилса, калом бўлмайди. Фақат ўқилса ва айтилса, калом бўлади”⁴. Уларнинг бу эътиқоди Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қуйидаги ҳадиси шарифларига зиддир.

Рабиеъ ибн Сулаймондан ривоят қилинади Расулуллоҳ: “Қуръон Аллоҳ таолонинг каломи, Қуръон махлуқ эмасдир”, дедилар. (Дайлабий ривояти)

Мўътазилалар Зухруф сураси 3-оятдаги Аллоҳ таолонинг қуйидаги сўзларини ҳужжат қилиб келтирадилар: “Албатта, Биз уни арабча Қуръон қилдик. Шоядки, ақл юритсангиз”⁵. Ушбу ояти каримада “الجعل”, яъни “қилмоқ” феъли ва “التخليق”, яъни “ҳалқ қилмоқ, яратмоқ” феллари бир маънода келган, деб даъво қиладилар. Ушбу ояти каримага қуйидагича: “Албатта, Биз уни сизлар англашингиз учун араб тилидаги қуръон қилдик!”⁶ маъно бериш мумкин.

Бугунги кунда соф исломий таълимни олиш учун аҳли сунна вал-жамоа йўналиши асосида ақида илмини Қуръони карим ва суннати набавийни ишончли шарҳлар асосида ўрганиш, уларга амал қилиш, исломий илм-маърифатга эга бўлиш долзарб масалалардан. Шунинг учун мутафаккир аждодларимиз қолдириб кетган бебаҳо маънавий мерослардан унумлий фойдаланишимиз зарур.

Бу борада мотуридийлик таълимоти асосчиси Имом Абу Мансур Мотуридийнинг издоши, мотуридийлик таълимотининг кенг ёйилишига улкан ҳисса қўшган олимларимизнинг илмий меросларини чуқур ўрганиш, уларнинг ақида ва калом илми ривожига қўшган бебаҳо ҳиссасини тадқиқ этиш ва кенг тарғиб қилиш муҳим вазифа ҳисобланади.

Улардан бири қомусий олим, шоир, тарихчи ва фақиҳ Нажмиддин Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад Насафийдир (1069 т). Бу зот Бурҳониддин Марғинонийнинг устози бўлган. Нажмиддин Насафий “Ал-қанд фи зикри уламои Самарқанд” (“Самарқанд уламолари зикрида қанддек ширин китоб”) номли асарида 60 дан ортиқ Насафий, Косоний, Касбавий, Баздавий нисбали, шунингдек, ўнга яқин Кеший нисбали алломалар, хусусан, Имом Бухорийнинг содиқ дўсти Тоҳир ибн Ҳусайн Насафий Майтманоний, эллик йилдан ортиқ Насафда қозилик қилган Абу Зайд Туфайл ибн Зайд Тамимий Насафий, шайх

⁴ Ўша асар – Б. 129

⁵ Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Тафсири Ҳилол 5-жуз. – Тошкент: “Шарк”, 2012. – Б. 367.

⁶ Қуръони карим: маъноларининг таржима ва тафсири /таржима ва тафсир муаллифи А Мансур. Тошкент: “ТИУ”нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2007. – Б.489

Абулносор Муҳаммад ибн Муҳаммад Насафий таржимаи ҳоллари ҳақида маълумотлар келтирган.

Нажмуддин Насафий “Ал-қанд фий зикри уламои Самарқанд” китобида ёзишча, Анас розияллоҳу анҳу бундай дейди: “Расулуллоҳ алайҳиссалом “Қуръон кироатидан афзалроқ ибодат йўқдир”⁷, деб марҳамат қилганлар”. Мана шу ҳадис Қуръон тиловатининг қийматини янада оширади. Ушбу ҳадисни Имом Насафий китобларига бежиз киритган эмаслар. Албатта, унинг замирида Мотуридия эътиқод мазҳаби уламоларининг яқдил бўлиб, баъзи залолатга кетган, Қуръонни махлуқ деб айтаётган тоифаларга зарба бериш бор.

Аллоҳ таоло ва У Зотнинг ҳамма исм ва сифатлари эса қадим, яъни азалийдир. Аҳли сунна вал жамоа эътиқодида айтилади: “Қуръони карим ғайри махлуқ” дейилмайди, балки: “Аллоҳ таолонинг каломи махлуқ эмас”, деб айтмоқ лозим. Зеро, унинг зоти билан қоимдир. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Огоҳ бўлинг, менга Қуръон бирилди ва у билан бирга унинг мислидек илм берилди”, деб марҳамат қилганлар, (Абу Довуд ривояти).

Дунёнинг бугунги кундаги ҳолати ҳеч кимга сир эмас. Ўзини мусулмон деб даъво қилаётган, қолганларни ақидада адашганга чиқараётган фитначи тоифалар дунёни бузиб юборишга интилаётгани инкор этиб бўлмайдиган айнан ҳақиқатдир. Ақидада адашган бундай тоифаларга эргашганларга эътибор берилса, уларнинг аксарияти ақли ноқис, илм-маърифатдан узоқ, жоҳил, кўр-кўрона мутаассиблик қилувчи одамлар эканлиги маълум бўлади. Баъзилари эса, аламзада ҳаётда ўз мақсадларига эришолмаган одамлардир.

Дин илмини билмай туриб, Ислом номидан тарғибот қилаётган ҳар қандай кимсага эргашиб кетавериш ярамайди. Айниқса, замонавий электрон воситалар интернет тармоқлари орқали тарқатилаётган диний мавзудаги маълумотларнинг ҳаммаси ҳам соф Ислом ғоясига, бизнинг ақидамизга тўғри келавермайди. Шунинг учун интернет тармоғидан фойдаланадиган фарзандларимиздан огоҳ бўлайликки, токи улар радикал оқимлар таъсирига тушиб, алданиб қолмасинлар. Диний илми етарли бўлмаган кишининг илмсиз тарзда фатво бериши одамлар орасида тафриқага сабаб бўлади. Диний илми бўлмаган кишининг олимликни даъво қилиши такаббурликдир. Аслида бундай кимсаларни илмдан гапиришга ҳаққи йўқ. Авф ибн Моликдан ривоят қилинади. У киши: “Одамларга илмдан фақат амир ёки маъмур ёхуд мутакаббир гапиради”, дедилар (Абу Довуд ва Ибн Можа ривояти).

Илоҳий китобларнинг яратилгани ҳақидаги биринчи китоб тасниф қилган инсон Толут бўлган. Муҳаммад алайҳиссалом уммати ичида биринчилардан Жаъд ибн Дирҳам Қуръонни яратилганлик ва Аллоҳни “дўст тутиш” ва “сўзлашиш” сифатларини инкор қилиш фикрларини Дамашққа (Сурия) келгач, ошкор қилишни бошлаган. Калом масалаларида Жаъд ибн Дирҳам фақат ақлга асосланиш лозимлигини ва ўзининг фикрларига зид келган Қуръон оятларини рамзий-мажозий (таъвил) шарҳлашга йўл қўйган. Унинг шогирди Жаҳм ибн Сафвон (745 йил қатл қилинган) устозининг

⁷ “Жомеъ ул-мутун”. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2000. – Б.53

дунёқарашларини давом эттирди. Жаҳм ибн Сафвон ақл юборилган ваҳийдан қатъи назар, мустақил равишда яхшидан ёмонни ажрата олишга қодир экани, бироқ устози Жаъд ибн Дирҳамдан ўзгача, инсон тақдири масаласида мажбурланганлиги, Қуръоннинг яратилганлиги, Аллоҳнинг азалий сифатларини инкор қилиш ҳамда пантеистик ақидага асосланган таълимотни ишлаб чиқди. Ўзининг ушбу ақидавий таълимотини шакллантиришда у “суммания” (шуммания) фирқаси аъзолари билан бўлган мунозаралардан таъсирланган⁸. Ушбу масалаларда ўз ҳавои нафсига берилган ҳолда ақлга ёндашиш натижасида жамиятда катта фитналар чиқишига сабаб бўлиб, парокандалик, бегуноҳ инсонлар қони тўкилиши, мол-мулкнинг ноҳақ таланиши ва иззатнинг поймол бўлишига олиб келади. Фитналарнинг асосий сабаби ва ғавғонинг манбаси уларнинг илмсизликлари эди. Ваҳоланки, ҳар қандай дин, шу жумладан, Ислоҳ ҳам инсонлар орасида илм, зиё, инсонпарварлик, адолат ва тинчлик тарқатувчидир.

Аҳли сунна вал жамоа вакиллариининг нуқтаи назараларига кўра, ақидавий илмнинг манбалари қатъий нақлдан, яъни ақл орқали эришилган билим эмас, балки илоҳий хабарларга асосланган Қуръон, Пайғамбар суннати ва салафи солиҳлардан етиб келган маълумотларга асослангандир. Улар ушбу далилларига бошқа нарса зиёда қилмадилар, ақлий қиёслаш ва мантиқий хулоса чиқаришдаги боши берк кўчага кириб қолмадилар.

Хулоса қилиб айтганда, тўрт мазҳаб соҳиблари бўлмиш аҳли сунна вал жамоа олимлари ва бошқа уламоларнинг ҳаммаси Аллоҳ таолонинг каломи махлуқ эмаслигига иттифоқлашганлар. Қуръони карим У Зотнинг каломидир. Бу калом илоҳий қадим ва азалийдир.

⁸ Ёсир Қози. Мақалатул Жаҳм ибн Сафван ва асаруҳа фил фирқил исламия. - Эр-Риёз: Дору азваис салаф, 2005. - Ж. 1, С. 67-112.; Ислам: Энциклопедический словарь. - С. 64.)